



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLİSH: YANGI
PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR
FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ураков Шерзод Раҳмонович

Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиали директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**«ОТМ ЎҚИТУВЧИСИННИГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ»
ТУШУНЧАСИННИГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Аннотация. Мақолада “олий таълим муассасалари ўқитувчисининг касбий фаолияти” тушунчасининг моҳияти олиб борилган тадқиқотлар тавсифини келтириш орқали илмий жиҳатдан тадқиқ қилинганд. Шунингдек, ОТМда ўқув жараёнининг ўзига хосликлари ва бунда педагогнинг функционал вазифалари ёритилган.

Калит сўзлар: педагогик фаолият, таълим, мутахассис, тамойил, функция.

Шахснинг муайян касбга мансублиги унинг фаолияти ва фикрлаш тарзи хусусиятларида намоён бўлади. Ўқитувчилик касбининг пайдо бўлиши ҳам бевосита ижтимоий меҳнат таркибида ўзига хос фаолият тури шаклланиши билан боғлиқ ҳолда юз берди ҳамда унинг мақсади ёш авлодда миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга онгли муносабатни таркиб топтириш, шунингдек ижтимоий муҳит билан таништириш асосида ҳаётга тайёрлаш эди. Ўқитувчилик касби, биринчи навбатда, фикрлаш тарзи, бурч ва масъулият ҳисси, шунингдек ўқитувчи профессиограммасига оид хусусиятлар билан бошқалардан ажralиб туради. Ўқитувчилик касбининг моҳияти олиб борадиган фаолият мазмунида намоён бўлади.



Педагогик фаолият бу инсоният томонидан тўплланган маданият ва тажрибани аждодлардан ёш авлодларга ўтказиш, уларнинг ижтимоийлашуви, шахсий ривожланиши учун шароит яратиш ва жамиятда муайян ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлашга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг таърифидан кўриниб турибдики, бу фаолиятни нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар, жамоат ташкилотлари, ташкилот, корхона раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ҳам амалга ошириши мумкин. Кўпгина илмий тадқиқот ишлари педагогик фаолиятга бағишлиланган, лекин қўп ҳолларда олимлар педагогик фаолиятни мактаб ўқитувчиси мисолида кўриб чиқадилар, унинг касбий фаолиятини, функцияларини ва ишининг натижаларини очиб берадилар. Бунга қатор муаллифларни Сластенин В., Исаев И., Лихачев Б.Т., Макаренко А.С., Зимняя И.А., Кузмина Н.В. кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича педагогик фаолият давомида ўқитувчининг ўқувчига унинг шахсий, интеллектуал ва фаоллигини ривожлантиришга қаратилган тарбиялаш ва ўқитиш таъсири омиллари бир вақтнинг ўзида ўз-ӯзини ривожлантириш каби хислатлар орқали намоён бўлади.

Хусусан, В.А.Сухомлинский, Н.В.Бордовская, А.А.Реан каби олимлар ўз тадқиқотларида нафақат ўрта таълим ўқитувчисига, балки педагогик фаолиятнинг бошқа ҳар қандай обьекти ва предметига нисбатан кўлланилиши мумкин бўлган педагогик фаолиятнинг янада умумлаштирилган ижобий тавсифини бериб ўтишган. Касбий педагогик фаолият деганда жамият ҳаётидаги таълим, тарбия ва ривожланиш жараёнларини таъминлайдиган ижтимоий тажриба, моддий ва маънавий маданиятни авлоддан-авлодга ўтказиш амалга ошириладиган инсон фаолиятининг бир тури тушунилади. Олий ўқув юртида ўқитувчилик фаолиятини таҳлил қилишда олий мактаб ўқитувчиси фаолиятини ва аудитория хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Олий мактаб ўқитувчининг ўқув ва тарбиявий фаолияти билан бир қаторда ўқитувчининг олий таълимда ишлаш жараёнида амалга оширадиган бошқа фаолият турлари ҳам устунлик қиласи ва улар ҳам талабаларга бевосита таъсир кўрсатади. Психолог олим П.И.Галперин тадқиқотларида ўқувчиларда олдиндан белгилаб қўйилган хусусиятларни акс эттирувчи ақлий ҳаракатларнинг шаклланишига имкон берувчи турли хил ҳаракатлар турларини шакллантириш муаммолари ўрганилган. Бу назария турли ёшдаги ўқувчиларда ақлий идрок этиш ва ривожланиш хусусиятларини ажратиб кўрсатиш имконини берди ва бу назария асосида қурилган ўқитиш усуллари замонавий педагогик амалиётда ўз аксини топди.

Замонавий дидактика доирасида олимлар ўқитиш тамойилларини педагогик фаолият ва умуман таълим жараёнида риоя қилинувчи тавсиялар, педагогик мақсадларга эришиш йўллари сифатида ажратиб кўрсатадилар ва олий таълим дидактикаси соҳасидаги ҳар бир тадқиқотчи ўзининг педагогик фаолият тизимини белгилаб олиб, умумий ва хусусий дидактика тамойилларини илгари суради.



Шу билан бирга, олий таълимдаги таълим тамойилларини аниқлашда ўқув жараёнининг қуидаги хусусиятларини ҳисобга олиши керак:

- ОТМда таълим жараёни субъектларининг шахсий ва қасбий хусусиятлари;

- Талабаларнинг мустақил иши ва ўқитувчининг тадқиқот фаолияти қасбий фаолият обьектига йўналтирилганлиги;

- олий ўқув юрти ўқитувчисининг қасбий фаолияти мазмуни ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, устоз-шогирд ишлари тизимидан иборатлиги ва ҳоказо;

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, ОТМлардаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи таълим тамойиллари И.И.Кобляцкий, А.В.Барабаншчиков, Т.В.Кудрявцев ва бошқалар асарларида қуидагича асослаб берилган:

- талабаларнинг илмий ва ўқув фаолиятида аниқ мақсадни таъминлаш тамойили;

- қасбий йўналтирилганлик тамойили;

- мобиллик тамойили;

- ҳиссий-эмоционаллик тамойили;

- ўқув жараёнининг яхлитлиги тамойили.

Шуни ҳам тушуниш керакки, кўпинча олий ўқув юртларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг аксарияти нопедагогик олий ўқув юртлари битирувчилари ҳисобланади. Потенциал ўқитувчи олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг кафедранинг илмий йўналиши ва ўқув фанлари билан боғлиқ бўлган мутахассислик бўйича ўқитувчилик йўналишига таклиф қилинади. Шунингдек илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган кўпчилик профессор-ўқитувчилар ҳам фақат мутахассислик бўйича малака ошириш курсларида иштирок этишган, айримлари педагогик қайта тайёрлашдан ўтишган, педагогик фаолиятга оид когнитив категориялар, қонуниятлар ва педагогик фаолиятнинг айрим жиҳатлари ҳмда хусусиятлари ОТМлардаги ўқув жараёнida инобатга олинмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларининг бўлажак ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнida педагогика асосларини маҳсус эмас, балки умумий фан сифатида ўрганадилар. Кейинги йилларда олий таълимдан кейин таълим тизими мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун педагог кадрлар тайёрлашнинг ягона йўли ҳисобланади. Бироқ, таянч докторантурда ва докторантурда доимо ўқитувчилик эмас, балки тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Мутахассис докторантурада ўкиш натижасида тор илмий муаммони чукурроқ ўрганади, тадқиқ қиласи ва тадқиқот фаолиятини ўзлаштиради. Шундай қилиб, профессор-ўқитувчиларнинг қасбий тайёргарлиги кафедрада бевосита ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ фанни чукур ўрганишга боғлиқ.

Ҳозирги вақтда олий мактаб ўқитувчисини мақсадли тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмаган, яъни олий таълим муассасасини битиргандан сўнг кўпчилик иқтидорли талабалар халқ таълим тизимига ўқитувчилик



фаолиятига ишга жойлашишади, айримлари магистратура босқичида таҳсил олиб истиқболда олий таълим муассасасида иш фаолиятини давом эттиради. Олий мактаб ўқитувчисининг касбий фаолияти умумтаълим муассасаси ўқитувчисидан фарқли ўлароқ фанлараро хусусиятга эга, чунки у нафақат талабаларга маълум бир ўқув фанини ўргатиши, балки бошқа тегишли фанларни ҳам ўқиши, талабаларнинг амалиётини бошқариши, мустақил ва курс ишларини бошқариши керак. Замонавий олий таълим ўқитувчилари нафақат ўрганилаётган фан соҳасини, балки педагогик фаолиятнинг илмий асосларини ҳам билишлари керак.

Ўқитувчи ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида бир қатор вазифаларни бажаради. Касбий функциялар - бу ўқитувчи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган функцияларни қамраб олади.

1. Тарбиявий функция. Тарбия жараён сифатида узлуксиз, вақт жиҳатидан доимий ва одамларни қамраб олиш нуқтаи назаридан энг кенг қамровлидир. Тарбия ҳеч қачон тўхтамайди, одамларнинг барча ёш гурӯҳларига тегишли ва мунтазам амалга оширилади.

Ҳар томонлама баркамол шахснинг мақсадли шаклланиши ва ривожланиши тарбия туфайли амалга оширилади.

2. Ўқитишик функцияси. Таълим ўқув жараёнининг муҳим бўғини сифатида ўқитувчи касбий фаолиятнинг асосий мазмунини белгилайди. Таълим тизимли характерга эга бўлиб, машғулотлар фақат етарли даражада тайёрланган мутахассис томонидан амалга оширилиши лозим. Ўқитувчи дарс бериш жараёнида таълим олувчида ақлий-идрок қобилияtlари билан бир қаторда ахлоқий-ҳуқуқий онг, эстетик туйғулар, экологик маданият, меҳнатсеварлик каби маънавий дунёсини ҳам камол топтиради.

3. Коммуникатив функция. Педагогик фаолиятни мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқитувчи бевосита мулоқот жараёнида ўқувчиларга таъсир қиласди, ўз ҳаракатларини ҳамкаслари билан мувофиқлаштиради ва барча тарбиявий ишларни олиб боради. Бу коммуникатив функцияни касбий-педагогик фаолият билан узвий боғлиқлигини англалади.

4. Ташкилий функция. Профессионал ўқитувчи турли талабалар гурӯҳлари, ўз ҳамкаслари, жамоатчилик билан шуғулланади. У барча талабаларнинг ҳаракатларини педагогик талаб қўйиш орқали мувофиқлаштириши керак ва ҳар бир таълим олувчининг ўз-ўзини англаши ва ўзига талаб қўя билишини таъминлаши лозим. Ўқитувчи қандай ўқув машғулоти ёки тадбирни ташкил қилиш кераклигини, ўқув материалини энг яхши ўзлаштириш учун қандай усул ва усувларни қўллашни, самаралироқ ишлаш учун қандай воситалар кераклигини англаши лозим. Юқори даражадаги ташкилий иш яхши натижани кафолатлади.

5. Коррекцион функцияси ўқитувчининг доимий равишда таълим жараёнининг боришини кузатиб бориши, ташхис қилиши, оралиқ натижаларни баҳолаши билан боғлиқ. Ўқитишик ишининг натижаси дарҳол ва ҳар доим ҳам мўлжалланганидек бўлмайди. Ўқитувчи иш жараёнида ўзининг ҳамда таълим олувчиларнинг ҳаракатларига тузатишлар киритишига мажбур. Агар ўқув



жараёнига ташхис асосида тузатиш киритиш кўзда тутилмаса, унинг натижасини олдиндан айтиб бўлмайди ва шунингдек кўзланган натижаларга эришилмайди. Ўқитувчиларнинг касбий функциялари ва улар билан боғлиқ бўлган педагогик қобилиятлар бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Н.В.Кузминанинг изланишлари натижалари яхши маълум ва кенг эътироф этилган. Унинг фикрича, ўқитувчининг асосий касбий функциялари қуидагилардан иборат: конструктив, ташкилий, коммуникатив ва гностик.

Конструктив функцияси қуидагиларни таъминлайди:

- талабалар томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган ўқув маълумотларининг мазмунини танлаш ва ташкил этиш, бунда жамият тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришлар, илм-фан, техника ва технологиялар ривожланиш даражасини англаб этиши мухим ҳисобланади;
- талабаларнинг когнитив, репродуктив, операцион ва рефлексив фаолиятини лойиҳалаш;
- талабалар билан ўзаро мулоқот жараёнларини лойиҳалаш.

Ташкилий функция қуидагилар орқали амалга оширилади:

- ахборотни талабаларга етказиш жараёнини ташкил этиш;
- ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг турли фаолият турларидан фойдаланиш;
- ҳар бир талабанинг ва гурӯхнинг мақсадларини мувофиқлаштириш.

Коммуникатив функция қуидагиларни ўз ичига олади:

- таълим олувчиларнинг ички дунёсига қизиқиш билан қараш ва уларнинг имкониятларини тўғри баҳолай олиш, ўз ҳис – туйғуларини бошқара олиш ва таҳлил қила олиш;
- таълим жараёни субъектлари билан ижобий фаол муносабатларни ўрната олиш;

Ўқув жараёни давомида гурӯх ва алоҳида талабалар билан ишлаш учун қулай мухит яратиш, хушмуомали, одобли ва фаҳм-фаросатли бўлиш;

- ота-оналар ва талабалар билан алоқа ўрнатишда маънавий меъёрларга амал қилиш.

Гностик функция қуидагиларни ўрганишни ўз ичига олади:

ўз мутахассислик фани бўйича ўқув дастури ва дарсларнинг тузилиши ҳамда мазмунини методика назарияси нуқтаи назаридан баҳолай олиш.

дарс мақсади тўғри қўйилганлигига баҳо бериш, дарс тузилиши, мазмуни, услублари ва ўқитиш воситаларининг таълим мақсади асосида танланганлигини аниқлай олиш;

ўқув жараёни давомида талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш ва тўғри баҳолаш;

ўз касбий билимларини мустақил шакллантириб бориш;

ўз мутахассислик фанини ўқитиш методикаси хусусиятларидан келиб чиқиб дарслар ва аудиториядан ташқари тадбирларни педагогик-психологик жиҳатдан таҳлилини ўтказиш қобилияти;

ўз мутахассислик фанининг ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш қобилияти;



ўз фани бўйича мазмунини, услубини, воситаларини ва ўқитиш ташкилий шаклларини такомиллаштиришнинг самарали йўлларини ишлаб чиқариш қобилияти;

ўз педагогик тажрибаси жараёнида педагогик тадқиқот усулларидан фойдалана олиш;

илмий гипотезалар тузা олиш ва уларга асосан назарий тадқиқотлар ва педагогик эксперимент тузиш;

назарий ва экспериментал тадқиқотлар жараёнида олинган натижаларни қайта ишлаш, тизимлаштириш, хуносаларни шакллантириш ва улар асосида ўз фани бўйича ўқитиш услубини такомиллаштириш.

Н.В.Кузмина томонидан илгари сурилган касбий ўқитиш функциялари ўқитишнинг барча асосий жиҳатларини акс эттиради, шунингдек А.И.Шербаков томонидан ўқитувчи касбий функцияларининг томонидан касбий функцияларнинг кенгроқ таснифи таклиф қилинган.

Ўқитувчилик касбida нафақат мазкур касбий функциялар, балки бошқа кўплаб функциялар ҳам тегишли бўлиши мумкин. олий таълим дидактикасида ишлаб чиқилган таълим тамоиллари ва ОТМ ўқитувчиси бажарадиган функциялар бевосита унинг касбий фаолияти орқали амалга оширилади.

Олий таълим ўқитувчисининг касбий фаолияти тизим сифатида турли хил педагогик фаолият турларининг комбинацияси ҳисобланади.

Анъанага кўра, педагогик фаолиятнинг асосий турлари, педагогик жараёнда олиб бориладиган ўқув ва тарбиявий ишлар ҳисобланади. Таълим иши - бу шахснинг баркамол ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш учун таълим муҳитини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг турли фаолиятини бошқаришга қаратилган педагогик фаолият. Ўқитиш эса асосан когнитив фаолиятни бошқаришга қаратилган ўқув фаолиятининг бир туридир.

Умуман олганда, педагогик ва тарбиявий фаолият бир хил тушунчалардир. Таълим иши билан ўқитишнинг ўзаро боғлиқлигини бундай тушуниш ўқитиш ва тарбиянинг бирлиги ҳақидаги тезиснинг мазмунини очиб беради.

Ўқитиш самарадорлигининг энг муҳим мезони - таълим мақсадига эришиш, яъни малакали мутахассис тайёрлаш ва тарбиявий ишда фақат аниқ вазифаларни изчил ҳал қилишни таъминлаш мумкин, мақсадга йўналтирилган, яъни ўқув жараёнида ҳар қандай қоидалар, хатти-ҳаракатлар нормалари, ахлоқий тамоилларни сингдириш, малакали мутахассис учун зарур, меҳнат бозорида талабга эга бўлиш. Таълим муаммоларини самарали ҳал этишнинг энг муҳим мезони таълим олувчилар онгида ҳиссий реакциялар, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятларда намоён бўладиган ижобий ўзгаришлардир. Ўқув ва тарбиявий ишлар ҳам педагоглар жамоаси меҳнатининг самарадорлигига боғлиқ. Тадқиқотчилар ўқитувчи фаолиятининг қўйидаги даражаларини аниқлайдилар:

- репродуктив даража - ўқитувчи аввал ўрганган билимларига таяниб, стандарт вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмасига эга;

- мослашиш даражаси - ўқитувчи ўз мулоқотини тингловчиларнинг хусусиятларига ва уларнинг индивидуал қобилиятларига мослаштира олади;



- маҳаллий моделлаштириш даражаси - ўқитувчи курснинг алоҳида бўлимлари бўйича ўкув стратегияларига эгалик қилади, педагогик мақсадни шакллантиришга, керакли натижани олдиндан кўра олишга ва талабаларни когнитив фаолиятга жалб қилиш тизими ва кетма-кетлигини яратишга қодир;

- билим ва хулқ-атворни тизимли моделлаштириш - ўқитувчи умуман ўз фанида керакли билимлар тизимини шакллантириш стратегияларига эга.

ОТМларда ўқитиш ҳақида гапирганда, улар кўпинча маъруза ва семинарлар ўтказиш фаолиятини назарда тутади. Ушбу турдаги дарсларни ўтказишнинг кўплаб техникаси ва усуллари мавжуд, аммо дарсларни ўтказишнинг маълум усулларидан фойдаланишнинг сифати ва натижасини қандай баҳолаш бўйича аниқ ечим ҳали ҳам мавжуд эмас. Таълим жараёнини, ўқитишни таълим тизимининг элементи сифатида ўрганадиган деярли ҳар бир ОТМ ва тадқиқотчилар ўқитишни баҳолашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқишилари лозим.

Меҳнат психологияси нуқтаи назаридан илмий тадқиқот фаолияти ва ўқитиш фаолияти бир биридан сезиларли даражада фарқ қиласидиган фаолият ҳисобланади. Психологик нуқтаи назардан, бу фаолиятда маҳоратга эришиш шартлари ҳар хил ва кўп жиҳатдан, ҳатто бир-бирини истисно қилади. Илмий тадқиқот билан шуғулланган ходим асосий эътиборни ички, интеллектуал ҳаракатларнинг энг самарали бажарилишига қаратади, шу билан бирга уларнинг кўпгина элементлари унинг онгида механик тарзда келтирилади. Бу фаолиятлар асосан бир-бирини инкор этувчи турли хил психологик сифатларга асосланади. Уларни 50/50 нисбатда бирлаштириш жуда қийин. Таҳлилларга асосланиб, биз олий мактаб ўқитувчисининг касбий фаолиятининг ўкув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари сифатида аниқ таърифини шакллантиришга асос бор. Таълим жараёнида таълим олувчиларни билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, шунингдек, бўлажак малакали мутахассисларнинг компетенцияларини шакллантириш ОТМ ўқитувчиси касбий фаолиятининг моҳиятини кўрсатиб беради. Ҳар бир санаб ўтилган фаолиятни, касбий функцияларни бажаришни баҳолаш индикаторларига асосланиб, биз ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Кўпгина ҳолларда, ўқитувчилик фаолиятини баҳолаш ҳақида гапирганда, олимлар ва тадқиқотчилар ўқитувчининг малакасини баҳолашни таклиф қиласидилар ва ҳар бир фаолият турини амалга ошириш кўрсаткичи уни баҳолаш мезони сифатида қабул қилиниши мумкин. Профессионал компетенция ҳақиқий касбий вазият шароитида муаммоларни ҳал қилишда намоён бўлади.

Бўлажак мутахассис тайёрлаш жараёнига, ўқитувчининг ўкув, услубий, тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда бевосита намоён бўладиган касбий малакаси таъсир кўрсатади. Ўқитувчи фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиша шуни ҳисобга олиш керакки, ўқитиш сифатини баҳолаш фақат ўқитувчиларни тайёрлаш сифати билан чекланмайди, лекин шахсий хусусиятлар мажмуасига, ўқитувчининг ички мотивациясига, ижтимоий аҳамиятига, уларнинг иш натижаларидан қониқишига, унинг талабалар билан муносабатлар ва бошқалар. Ҳар бир шахс ўзига хос



хусусиятга, ўз характери ва дунёқарашига эга, шунинг учун ҳеч бир ўқитувчи универсал бўлолмайди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитувчилик ишининг моддий компоненти ҳам ўқитувчилик фаолиятига таъсир қиласди. Ўқитувчилик фаолиятини баҳолаш ОТМ ўқитувчисининг иш турлари (ўқув, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот) бўйича амалга оширилиши керак. Фақат ана шундай шароитларда ўқитувчининг касбий фаолиятини баҳолаш олий таълим ва умуман ўқув жараёнини бошқаришни такомиллаштиришнинг оптимал воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Е. Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятлари. // Халқ таълими. – Тошкент, 1999. - №1. – Б. 85-86.
2. Шарипов Ш. Касб таълими ўқитувчиси компетентлигини таъминлашда илмий-методологик ёндашувлар/ <http://dr-sharipov.com/2014/03/02/>
3. Толипова Ж. Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ босмахонаси. – 2015. – 107 б.